

---

“Элчи” маҳалласининг тош-тупроқли ички йўллари таъмирланиб, шағал ётқизилмоқда

Ўзбекистон туманида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, бу орқали эса аҳолига қулайлик яратиш тадбирлари бажарилмоқда. Туман ҳокимлиги, секторлар ишчи гуруҳлари, мутасадди идоралар ҳамда маҳалла фидоийлари ҳамкорлигида ташкилланаётган тадбирлар ҳудудларда жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Хусусан бугундан “Элчи” маҳалласидаги ёзда чанг, қишда эса лой бўлгучи ички йўللارни таъмирлашга киришилди. Қайд этилишича ҳудудда бугуннинг ўзида 700 метрдан зиёд ана шундай йўللарга шағал қопламаси тўшалган, режа эса 2 минг 800 метр олинган.

Маҳаллалар инфратузилмаси билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш тадбирлари туманда давом этмоқда.





